

ОНА ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ЁНДАШУВ

Санобар Кудашева,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти**Аннотация**

Мазкур мақолада она тилини ўқитишда мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Замонавий технологияларнинг таълимга кириб келиши, уларга бўлган эҳтиёж ва компьютер технологияларидан ўринли фойдалана олиш имкониятлари ҳақида сўз боради. Белгиланган малака талабларига эришишнинг афзалликлари изоҳланган. Она тили дарсларида ахборот технологиялари воситасида нутқий ва грамматик компетенцияни ривожлантиришга доир олим ва педагогларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Анимация, видеоматериал, мустақил фикрлаш, мультимедиа воситалари, матн, тасвир, англаш, нутқ.

Аннотация

В этой статье обсуждается важность эффективного использования мультимедиа в обучении родному языку. Внедрение современных технологий в образование, потребность в них и возможности рационального использования компьютерной техники. Объяснены преимущества достижения заданных квалификационных требований. Проанализированы мнения ученых и педагогов о развитии речевой и грамматической компетенции с помощью информационных технологий на уроках родного языка.

Ключевые слова: Анимация, видеоматериал, самостоятельное мышление, мультимедийные средства, текст, изображения, понимание, речь.

Annotation

This article discusses the importance of effective use of multimedia in mother tongue teaching. The introduction of modern technologies in education, the need for them and the opportunities for the rational use of computer technology. The advantages of achieving the specified qualification requirements are explained. Opinions of scholars and educators on the development of speech and grammatical competence through information technology in native language classes were analyzed.

Keywords: Animation, video material, independent thinking, multimedia tools, text, images, comprehension, speech.

Замонавий жамият нафақат барча манбаларга очик кириб бориши билан, балки улар ҳажмининг кун сайин ортиб бориши билан ҳам ахборот жамияти деб юритилди. Таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган талаб, эътибор ва қизиқиш кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг муҳим сабабларидан бири, анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогика уларни эгаллаётган билимларини ўзлари излаб топишга, мустақил фикрлаб таҳлил қилишга, хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришга, ҳатто ўз билимларини ҳолисона баҳолашга ўргатади. Ўқитувчи эса бу жараёнда шахсининг шаклланиши, билим олиши, ривожланиши ва тарбияланишига шароит яратади.

Жамиятда ҳар қандай таълим технологияси ўзига хос воситалардан ва шакллардан унумли ва ўринли мезон асосида фойдаланишни талаб этади. Ахборот технологияларининг тезкорлик билан ривожланиши натижасида мультимедиа технологияси яратилди. Н.Бегматова ўз илмий тадқиқотида мультимедиа технологиясининг яратилиш босқичлари ва татбиқ этиш соҳалари ҳақида фикр юритиб, мультимедиа-

ли ахборотнинг мазмунини “деҳқончилик маҳсулотларини темир йўл транспорти вагонларига” ортиш ҳамда “оқ ёруғлик нури” таркибига, мультимедиа технологиясини эса “мева қуритиш технологияси”га қийслаб тушунтириб бердики, бу усул мазкур атамаларнинг мазмун-моҳиятини очишда энг самарали йўлдир. Мультимедиа ахборот технологияси “якка тартибдаги ахборотлар – нутқ, матн, графика, схема, тасвир, мусиқа, анимация самаралари компьютерда ишлов берилиши натижасида битта дискка жойлаштирилади ва бу технологик жараён натижасида” [1, 26] шаклланади. А.Гарцов таъкидлаганидек, “ҳар бир педагогик давр ўзига хос технологиялар авлодини туғдиради” [2, 112].

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу – компьютер ва тегишли техник жиҳозлар, расмлар, матнлар, товушлар, тасвирлар ва турли хил оммавий ахборот воситалари маълумотларини рақамли равишда олиш, бошқариш, алоқа қилиш ва қайта ишлаш учун янги авлод компьютер интеграциялашган ва фойдаланувчиларга интерфаол маълумотларни тақдим этиш ҳамда мулоқот ўрнатиш муҳитидир. Мультимедиа тасвир, товуш ва анимация комбинациясини бирлаштирилади ва фойдаланувчи терминалига кўп ўлчов-

ли, кўп бурчакли ва кўп режимда узатиш имконини беради. Мультимедиа технологияси бир нечта ахборот объектларини бирлашиб, қайта ишланиб, сўнг ўқувчига ҳар томонлама таъсир асосида тақдим этилади.

Она тили дарсларида мультимедиадан фойдаланиш педагогик нуқтаи назардан янги ёндашув ҳисобланади. Ўқувчилар информатика дарсларидан компьютер имкониятлари билан таниш бўлсалар-да, анъанавий таълим технологиясида компьютерни фақат техник восита сифатида қабул қиладилар. Мультимедиа технологияда эса “таълим манбаи” сифатида мужассамлашади. Аудио, видео, матн, анимация, тасвир, графа ҳамда турли жадваллар воситасида яратилган материаллар янги мавзунини образли тушунтириш жараёнида муҳим ўрин тутади. Олинган билимни кўникма ва малакага айлантирувчи топшириқлар ва ҳатто баҳолаш мезонлари компьютер хотирасига киритилган бўлади. Компьютер “ўқитувчи” ролини, ўқитувчи эса “бошқарувчи” ролини бажаради. Ўқув материалнинг ҳажмини кўпайтиришда, таълим жараёнини олдиндан лойиҳалашда, таълим шаклини қулайлаштиришда, натижани кафолатлашда, шунингдек, таълим методлари, шакллари, мазмуни ва тузилишида мультимедиа технологиянинг ўзига хос имкониятлари намоён бўлади.

Бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали билим олиш таълимда энг самарали усул эканлигини тажриба аллақачон тасдиқлаган. Психологлар ҳам бир вақтнинг ўзида кўриш ва эшитиш орқали ўқувчининг онгига таъсир қилиш маълумотнинг ўзлаштирилиши юқори кафолатга эга бўлишини таъкидлашади. Академик С.С.Ғуломов таъкидлашича, агар ўқувчилар берилаётган материалларни кўриш (видео) асосида қабул қилса, ахборотнинг хотирада сақлаб қолиниши 25-30%га ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75%га ортади.

Анимацияли маълумотларнинг одамга таъсири катта бўлиб, у ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб этиш хусусиятига эга. Мактаб ёшидаги боланинг қизиқишлари, ёши, фикрлаш даражаси инобатга олиниб яратилган мультимедиа маълумотлар ўқувчининг хотирасини ривожлантириш, ҳиссиёт уйғотиш, таълим материалларига қизиқишини орттириш, диққатини барқарорлаштириш каби психологик таъсирларни юзага келтиради. Монитордаги тасвирни кўраётган ҳамда товушни эшитаётганда инсон миясининг иккала ярим шари бир вақтда ишлайди ва объект образи бир вақтда икки томонлама қабул қилинади. Мультимедиа воситалари фикрлаш қобилиятини шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Мультимедиа технологияда матн билан бирга ани-

мация хусусиятлари ҳам оширилиб ўқувчининг фикрлаш салоҳияти ривожлантирилади. Шу билан бирга, компьютер технологиясининг организмга салбий томонларини ҳам инобатга олиш керак. Мультимедиа воситалари ёрдамида тайёрланган материалларнинг давомийлиги 8-10 лаҳзадан 7-8 дақиқачага ташкил этилса, мақсадга мувофиқ. Ундан узоқ давом этган жараёнда ўқувчининг диққати сусая бошлайди. Бериладиган маълумот(билим)нинг энг нозик нуқталарини топиб, аниқ, тиниқ, белгиланган вақт оралиғида “боланинг иштаҳасини бўғмасдан” етказиб беришда мультимедиа воситаларидан фойдаланишдаги мезон ва меъёр катта аҳамият касб этади. Анъанавий дарс ва мультимедиа дарслар солиштирилганда қуйидаги афзалликлар кўзга ташланади: анъанавий она тили дарсликларидан мавзуга тегишли материаллар матни ҳамда баъзи ўринларда статик кўринишда битта расм берилади; мультимедиа электрон дарсликларда мавзуга тегишли материал матни, уни шарҳлаб берувчи диктор овози ёки видео, мавзуга тегишли бир нечта расм, диаграмма, жадваллар, анимация, муסיқа биргаликда берилишининг имконияти мавжуд. “Дарслик билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ўқиш, қоидаларни ўрганиш ёки қайта эга тушириш, машқ топшириқлари асосида грамматик ходисаларни аниқлаш ва изоҳлаш кўникмалари ривожлантирилса, мультимедиа иловалар билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқи кучаяди, тенгдошлари билан ўзаро муносабати яхшиланади, янги мавзунини мустақил ўзлаштириш ва ўзини баҳолаш имкониятига эга бўлади” [4, 99]. Шу билан бирга, мультимедиа воситаларидаги бир хилма-хиллик ўқувчини қизиқтиради, фикрлашга ундайди, дунёқарашини кенгайтиради, билим ва малакани мустаҳкамлаб боради.

Дарснинг барча босқичларида мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш мумкин. Мисол тариқасида 9-синф ўқув дастурида берилган “Кўчирма гапли қўшма гап ҳақида маълумот” мавзусини олдик. Мазкур мавзуга 4 соат вақт ажратилган. Дарснинг янги ўқув материални ўргатиш босқичида мультимедиа воситалари орқали мустақил ишлар ташкил этиш мумкин. “Мавзуга оид фактик материаллар асосида мустақил ишларни ташкил этиш ҳам болаларни янги мавзунини ўргатишга тайёрлайди” [5, 196]. Кўчирма гапли қўшма гап ҳақида янги маълумот бериш учун назорат синфларига суҳбат методини, тажрибасинов синфларига эса муаммоли вазият методини танладик. Назорат синфларида ўтган мавзу юзасидан савол-жавоб ташкил этилди. Янги мавзу тушунтирилиб, ҳаётий мисоллар келтирилди. Кўчирма гап, муаллиф гапи ҳақида атрофлича маълумот берилиб, улар орасидаги фарқ ҳамда жойлашиш ўринлари слайдларда намоёиш этилди. Мавзунини мустаҳкам-

лаш учун дарсликда берилган 170-машқ бажарилди.

Машқ матни: Бир куни дуррож тузоққа тушиб қолди. У овчига ялиниб деди: “Сен мени қўйиб юборсанг, барча дўстларимни алдаб келиб, тузоғингга тушириб бераман”. Овчи бу гапдан аччиқланиб деди: “Йўқ овора бўлмай қўяқол, мен сени қўйиб юбормайман. Ўз жонингни қутқармоқ учун дўстларингга хиёнат қилмоқчисан. Софдил кушлардан кўра хиёнаткор дўстнинг ўлгани яхши” [7, 78].

Ўқувчилар машқни шартига мувофиқ бажаришди.

Тажриба-синов гуруҳларида янги мавзу 170-машқ асосидаги мустақил ишни бажариш билан бошланди. Мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, дарсликда берилган 170-машққа педагогик ишлов берилди. “Педагогик ишлов бериш жараёнида ўқув материални олдинги (дарсликда берилган) шаклдан иккинчи (янги) шаклга, ўқув топшириқлари тизими шаклига олиб келинади. Зеро, тузилган топшириқ ёки уларнинг тизими ўқув материалнинг янги кўринишидир” [5, 130]. 170-машқдаги матн ўқитувчи томонидан педагогик ишлов берилиб, анимация тайёрланган, унга овоз ёзилган. Намойишдан олдин ўқувчиларга топшириқ берилди.

Топшириқ: Видеоматериални кўриш жараёнида овчи ва дуррожнинг гапларини дафтарингизга ёзиб олишга ҳаракат қилинг.

Ўқувчилар овчи ва дуррожнинг гапларини видео-материални кўриш жараёнида эслаб қолдилар ва ёзиб олишга ҳаракат қилдилар.

Топшириқ: ўз гапингиз (муаллиф гапи)ни қатнаштириб, воқеа асосида матн тузинг. Овчи ва дуррож-

нинг гапларини қўштирноққа олинг.

Ўқувчилар матн тузгандан сўнг, дарсликни очишди ва 170-машқдаги матн билан ўзлари тузган матнни солиштиришди. Ҳатто мультимедиа воситаларидан фойдаланиб тайёрланган материалдан илҳомланган ўқувчилар муаллиф, шер ва дуррож образларида тузган матнларини ўқиб беришди. “Мазкур мавзуни мустаҳкамлашда диалог, монолог каби парчаларни ёд олиш, ролларга бўлиб ўқиш, уларни қатнаштириб матнлар тузиш яхши натижа беради, тиниш белгиларини ўз ўрнида қўллаш кўникма ва малакаларни шакллантиради” [6, 172]. Мавзу асосида диалоглар тузиш ва ролларга бўлиб ўқишга тайёрланиб келиш уйга вазифа сифатида топширилди. Шундан сўнг кўчирма гапли кўшма гаплар ҳақида ўқувчиларнинг фикрлари тингланди ва ўқитувчи томонидан хулосаланди. Дарсликда берилган машқ ва топшириқлар асосида мультимедиа воситаларидан фойдаланиб тайёрланган видеороликлар матн мазмунини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради. Ўқувчи ҳам кўради, ҳам эшитади, ҳам топшириқни ўзи мустақил бажаради, ўзи фикр юритиб, ўз хулосасига эга бўлади.

Ҳозирда таълимни етук малакали кадрлар билан таъминлаш замон талабидир. Бугунги кун таълими ҳар бир педагог олдида ахборотни замонавий технология ва коммуникация воситалари орқали узатиш ва қабул қилиш мажбуриятини қўйди. Шундай экан, замонавий педагогик ахборот технологияларидан унумли ва ўринли фойдалана олса, дарс машғулотларининг самарадорлиги ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматова Н. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари. Дисс. Пед.ф.н. –Қарши. 2012. –151.
2. Гарцов Д.А. Электронная лингводидактика в системе инновационного языкового образования. Дисс. Докт.пед.наук. –Москва, 2009. –398 с.
3. Жиндаева А. Моделирование лингвопрофессионального мультимедиа курса для дистанционного обучения иностранных абитуриентов-филологов. Дисс. Докт.пед.наук. –Москва, 2016.
4. Машарипова У.А. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ маданиятини шакллантириш методикаси. Дисс. Пед.ф.н. –Тошкент, 2018. –163 б.
5. Roziqov O. va boshqalar. Ona tili didaktikasi. Darslik. –Toshkent, 2005. –386.
6. To'xliyev B. va boshqalar. O'zbek tili o'qitish metodikasi. –Toshkent, 2006. –192.
7. Mahmudov N. va boshqalar. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. –Toshkent: 2019. –128.